O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 4-may, chorshanba * № 18 (977) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

### ЎЗИМИЗДАН ХОРИЖГА

**Россия, Германия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда Ўзбекистон маҳсулотига эҳтиёж ва талаб ортиб бормоқда. Айтиш жоизки, мамлакатимиз газлама ва матолари эндиликда Малайзия ва Ветьнам маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади.**



➩ 3-бет

### ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН ХАЛОС БЎЛИШНИНГ ЙЎЛИ

**Шимолий Каролина университети нейробиологлари ичкиликбозликка сабаб бўлувчи нейрон ҳужайраларидан иборат занжирни топишди. Ушбу занжир миянинг икки қисмини боғлаб тураркан.**



➩ 5-бет

### УРУШ ДАВРИ БОЛАЛАРИ

**Уруш даври болалари... Улар гўё болаликни четлаб ўтиб, бирданига улғайиб қолган, катталар каби фикрлайдиган ва улар билан ёнма-ён меҳнат қилган болалар эди. Бугун аксариятининг кўксида оппоқ соқол, бошларини қиров қоплаган нуронийлар...**



➩ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида электрон тижорат соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

**Тошкентда "Спорт дунёси – 2016" ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Ўзэкспомарказ" мажмуидаги павильонлардан бирида ташкил этилди.**

Яқинда Франциянинг Париж I Пантеон-Сорбонне университетида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига бағишланган магистрлик конференцияси бўлиб ўтди.

**1 май куни Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида "Фавворалар сайли" бўлиб ўтди. Уч йилдирки, ушбу сана республикамизда "Фавворалар сайли" сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Юртдошларимизга янада кўтаринки кайфият, хурсандчилик улашишга хизмат қилувчи ушбу байрам нуфузи тобора ортиб бораяпти.**




Жамиятда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёни биринчи галда матбуотда акс этади. Демак, юртдошларимизнинг ислоҳотлардаги фаол иштирокини, уларга нисбатан муносабатини билдиришда ОАВ асосий минбар ҳисобланади.

Дунёда глобаллашув жараёнлари тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги пайтда сиёсий модернизацияга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида давлат ва жамият қурилиши тизимининг очиқлигини таъминлаш борасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ана шундай эзгу мақсадларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида республикамизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1400 дан ошди. Мавжуд босма даврий нашрларнинг 53 фоизи, телерадиоканалларнинг 85 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда. 330 дан зиёд веб-сайтлар ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг 98 фоизи нодавлат сектор улушига тўғри келади.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда яшайдиган миллат ва элатларнинг еттита тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.



# "ОЛТИН ҚАЛАМ" – ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни ҳар йилги анъанага кўра, катта тантана билан нишонланди. Жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган танлов журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ўз фаолиятларига янгича ёндашувни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Танлов бу йил ўн биринчи маротаба ўтказилди. Миллий медиаоламда нуфузли ҳисобланган "Олтин қалам" танловида ўтган йиллар давомида 5000 нафарга яқин журналист 70 000 га яқин ижодий материали билан қатнашди. Ҳозиргача ўтказилган ўнта танловда 222 нафар журналист "Олтин қалам" миллий мукофоти соҳиби бўлди. 70 га яқин ижодкор турли йилларда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

Бу йилги халқаро танловда 510 нафар журналист 8500 га яқин ижодий иши билан қатнашди. Улар орасидан бош миллий мукофот, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати" ва "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

Тақдирлаш маросимида Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ахборот маркази, ЮНЕСКО, ЮСАИД лойиҳаси, Германия Халқ университетлари "DVV International" халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, "Регионал диалог" (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, шунингдек, миллий ҳамкорлар – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам ўз мукофотларини топширдилар.

4

## ФАЙЗУЛЛА ОТАНИНГ ЎГИТИ



### 9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Термиз шаҳрининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Файзулла ота Пўлатов хонадони ҳамиша гавжум. Ҳокимлик вакиллари, маҳалла аҳли, ёшлар бу ерга тез-тез ташриф буюриб, отахоннинг ҳолидан олади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади.

Шаҳардаги 11-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ педагог ва ўқувчилари ҳам байрам арафасида отахон ҳузурида бўлдилар. 93 ёшли отахон мустақиллик халқимизга берган кенг имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ёшларни ўтмишни хотирлаб, бугунни қадрлаб яшашга даъват этди.

*Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Файзулла ота Пўлатов "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Назаров ва ўқувчи-ёшлар билан.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ҳурматли муштарийлар,*

**2016 йилнинг келгуси ойлари учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www.uzhurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.**

**"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!**



## ЎЗИНГ ЯГОНАМСАН

### Бу шундай туйғуки...

Юрт тинчлиги, бахт-саодати йўлида хизмат қилишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шу боисдан, шоирлар оҳори тўкилмаган сатрлар, рассомлар бетакрор ранглар, санъаткорлар эса оҳанрабо куйлар орқали ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини тараннум этади.

Дунёда фақат Она ва Ватан сўзи ягонадир. Меҳр тафти, муҳаббат ифори ҳам ўзгача. Бу муқаддас туйғу болалигимиздан қулоғимизга кирган алладан қалбимизга сингиб боради. Ўзим ҳарбий хизматчи оиласида туғилганман. Отам ёшлигимизда ватансиз одам бахтли бўлолмайди, деган гапни кўп такрорларди. Доим тўғрисўз, ниятимиз пок ва ҳалол бўлишга ундаганлар. У кишига ватан нима, деган саволни берганимда, доим у бизнинг оиламиздир, дея жавоб берганлар. Онажоним дадамни ишдан қайтишларини ўзгача орзиқиш билан кутардилар. Албатта, бу бахт сурурини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Орадан йиллар ўтди. Мен санъатшунослик йўли, укам эса фахр билан ота касбини давом эттирди. Сингилларим чеварликни танлашди. Юртимиздаги бахтли оилалар қаторида бўлганимиздан, доим бахтиёр яшаганман.

Ҳар куни ишга йўл олганимда, атрофга меҳр билан боқаман. Одамлар яратиш завқи билан яшаяпти. Йўлимда тизилган дарахтлар бетакрор хотираларимни ёдга солади. Илк марта мактаб остонасига шу йўллардан юриб борганман. Қаршимдаги қад ростлаган осмонўпар бинолар, сўлим хиёбонлар, кенг кўчалар қалбимга гўзал орзу-ҳавасларни уйғотади. Ниятимни холислигини қаранг, бир куни бехосдан шу ерда ёшликдаги дугонам Холидани учратиб қолдим. У билан ҳаёт ҳақида суҳбатлашиб, меҳнатдан қавариб кетган қўлларига кўзим тушди. Отаси деҳқончилик билан шуғулланарди. Дугонам ҳам меҳнатда улғайди. Уни ўзимча бирор олий ўқув юртига ўқишга ундагандай бўлдим. Аммо у "Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз орзу-умидлари бўлади. Менинг ҳам танлаган йўлим бор. Китоб ўқишни яхши кўраман. Аммо отамдан мерос қолган мана шу боғ умримнинг мазмунига айланиб улгурган. Тупроқни бир ушлаб кўринг-а? Меҳрини ҳис этяпсизми? Худди аждодларимиз овози келаётгандай. Ҳаётимни қишлоқсиз тасаввур қила олмайман," дея мени лол қолдирди. У билан қўшилиб, дала ҳовлисига бордим. Ғарқ пишиб ётган жаннат мевалари шохидан тўкилай деб турибди. Нафис ифорли анвойи гулларга боқиб, кўнглимдаги барча ғуборлар тарқалиб кетди. Тўғри, бу Холиданинг Ватанга бўлган дил изҳори эди. Қанийди, ҳамма ҳам ўз ватанини шундай сева олса, дунё гулистонга айланиб кетарди.

**Шоҳиста ОРТИҚОВА**

**Очиқлик индекси**

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши (Жамоатчилик кенгаши) билан ҳамкорликда "Очиқликни таъминлаш: самарали ҳуқуқни қўллаш амалиёти" мавзусида семинар ташкил этилди.

# ЭРКИН ФАОЛИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Семинарда парламент депутатлари, вазирлик, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, ахборот соҳасининг малакали мутахассислари ва олимлари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур семинар Қўмитанинг Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини ижрочиларга етказиш ва амалиётга қўллашда самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги туркум ахборот-таълим йўналишидаги тадбирлардан биридир.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ва ахборот хизмати ходимларига мазкур қонун талабларини самарали қўллашга оид услубий тавсиялар бериш, ахборот соҳасида очиқликни таъминлашда намуна бўлаётган етакчи давлат органлари фаолияти билан таништиришдан иборат.

Тадбирда таъкидланишича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш борасидаги ишларнинг истиқболдаги самарадорлигини ошириш тегишли қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш билан бевосита боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги қарори ва у асосида тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилиши борасидаги муҳим тадбирлар ҳақида иштирокчиларга ахборот бериб ўтишди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси билан танишдилар. Ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиқлик бўйича мавжуд қонун ва қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи "очиқлик индекси" йиғма кўрсаткичи эълон қилиб борилади.

Семинар иштирокчиларига қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликка ахборот етказиш усуллари, хусусан, ахборотни чоп этиш, интернет тармоғидаги расмий веб сайт, ҳамма кириши мумкин бўлган хона ва жойга жойлаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, ахборотдан фойдаланувчилар учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш имкониятини яратиш, ахборот олишга доир сўровларига жавоб бериш каби усуллардан самарали фойдаланишга доир тегишли тавсиялар берилди.

Семинар давомидаги тақдимотларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, берилаётган ахборотлардан фуқароларнинг қониқиш даражасини оширишни тартибга солишга оид намунавий ҳужжатлар ҳақида маълумотлар берилди. Шу билан бирга иштирокчиларга фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш бўйича конституцион ҳуқуқларини амалга оширишда очиқликни таъминлашнинг самарали усуллларига доир зарур услубий, маслаҳат ёрдамлари берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ўринда давлат органларининг Интернет глобал тармоғидаги ахборот ресурслари аҳоли ва жаҳон жамоатчилигини ҳукумат ва давлат органлари фаолияти ҳақида, шунингдек, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳақида хабардор бўлишида муҳим роль ўйнамоқда.

Ахборот ресурсларини ривожлантириш борасида олиб борилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ўтган даврда давлат идораларининг веб-сайтлари зарур даражадаги ўсишга эришди. Жумладан, уларнинг дизайни, ахборот сифати ва кўлами яхшиланиб, ҳамма кириши ва фойдаланиши имкониятининг яратилганлиги аҳолида давлат идоралари фаолияти ва самарали ишлари тўғрисида ҳолис тасаввурнинг шаклланишига хизмат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

# МАТБУОТ – ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЖАМОАТЧИЛИК МУЛОҚОТИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

**Конференция**

Пойтахтимизда 3 май куни "Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик билан мулоқотни ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, ЕХҲТ, ЮНЕСКО ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда депутатлар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирликлар, идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида оммавий ахборот воситалари фаолиятини изчил ривожлантириш, матбуот ва ахборот эркинлиги ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам қонунчилик жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлардан халқимизни ўз вақтида хабардор этиб бориш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотдан фойдаланишини, айниқса, давлат органлари фаолиятидан аҳолининг хабардорлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2014 йил май ойида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда ОАВнинг роли ва таъсирини янада оширди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг олтмиш фоизга яқини нодавлат медиа тузилмалардир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот манбалари ҳам йилдан-йилга такомиллашмоқда. Ҳозир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 114 веб-сайти мавжуд бўлиб, улардан 90 таси фойдаланишда қулайлик яратиш ва замонавий технологик талабларни инобатга олган ҳолда мобиль иловаларини жорий этган. Давлат органлари веб-сайтлари орқали кўрсатилаётган электрон хизматлар кўлами тобора ошиб бормоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ОАВ фаолиятининг самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорга мувофиқ, оммавий ахборот воситалари ва нашриётларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар берилган. Анъанавий тарзда ўтказилаётган кўрик-танловлар, ижодий лойиҳалар замонавий журналистика ютуқларини оммалаштириш, соҳа ходимларининг касб маҳоратини юксалтириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг замонавий асосда фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилгани, давлат ташкилотлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали жамоатчилик мулоқотини шакллантиришда ОАВнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бораётгани, соҳада халқаро ҳамкорлик ривожланаётгани қайд этилди.

– Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор самарасида мазкур соҳа изчил ривожланиб бораётир, – деди ЮНЕСКО бош маслаҳатчиси Могенс Шмидт (Дания). – Мазкур халқаро конференция Ўзбекистонда ва жаҳонда "давлат – медиа – жамоатчилик" мулоқотида очиқ ахборот жамиятини таъминлашнинг амалий механизмлари, журналистика соҳасидаги тенденция ва янгиликлар билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бергани билан аҳамиятли бўлди.

Мамлакатимизда соҳа ходимларининг жаҳон журналистикасининг илғор иш услублари ва ютуқларини ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг етакчи медиакомпаниялари журналист ва мутахассислари иштирокида ўқув-тренинглар, семинарлар ўтказилмоқда. Ҳар йили кўплаб журналистлар хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтмоқда.

– Ташкилотимиз Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан медиа соҳасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, – деди Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Томас Кунце. – Хусусан, Ўзбекистон журналистлари Германия оммавий ахборот воситалари фаолияти билан танишиб, малака ошириб қайтмоқда. Бундай тадбирлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантиришга, журналистларнинг касб маҳорати ва билимини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигимиздан мамнунмиз ва алоқаларимиз янада кенгайишига умид қиламиз.

Конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг янгича усул ва технологияларини ривожлантириш, аҳоли хабардорлигини янада оширишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги ва бу борада хорижий давлатлар тажрибасига оид қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди, маърузалар тингланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Ҳуқуқий онг юксаклиги – комиллик кафолати**

Жамиятда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини билиши, бурчларига қатъий риоя этиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, адолат ва ижтимоий барқарорликнинг қарор топишига хизмат қилади.

# БИЛИМ КОМИЛЛИККА ЕТАКЛАЙДИ



Чунончи, Ўзбекистонда инсон омили ва унинг манфаатларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. Ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш орқали ёшларнинг таълим-тарбиясини янада яхшилаш, уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларига кўмаклашиш мақсадида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Бу борада юртимизда давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётгани диққатга молик. Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда қаратилган қатор лойиҳалари молиялаштириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди мунтазам суръатда ННТлар ўртасида ёшларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўрганиш ҳамда меҳнатга муносабатини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қатор грант танловларини эълон қилиб келмоқда. Мазкур танловларда ғолиб деб топилган ННТлар давлат гранти асосида молиялаштирилмоқда.

Фонд томонидан қўллаб-қувватланган Ёшлар тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мавзусидаги лойиҳалардан бирини «Hurriyat» газетаси йил давомида амалга ошириб келяпти.

Айтиш кераки, "Ҳуқуқий онг юксаклиги — комиллик кафолати" номдаги ушбу лойиҳа ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги тадбир Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги ислоҳотлар самаралари ҳамда кўплаб ёшларнинг эришаётган ютуқлари эътироф этилди. Тадбирнинг асосий масаласи эса ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини юксалиши хусусида бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, жамоатчилик вакиллари ҳамда "Hurriyat" газетасининг маъсул ходимлари мулоҳаза қилдилар.



Учрашувда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Каримов ёшларнинг илм олишлари ва соғлом бўлиб вояга етишлари учун юртимизда яратилаётган кенг имконият ва шароитлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтди. Шунингдек, депутат ҳали фарзандларимиз таълим-тарбияси борасида қилиниши зарур бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

— Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган турли зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият"нинг таҳдид ва хатарларидан асраш масалалари – доимий эътиборда бўлиб келмоқда, — деди у. — Чунки ҳозирги мураккаб даврда миллий қадриятларимизга ёт ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучаймоқда. Айниқса, бу каби хуружларнинг интернет тармоғида ортиши янада хатарли эканини таъкидлаш жоиз. Аксарият ёшлар ўз мақсадлари учун интернет тармоғидан фойдаланмоқда. Бу эса барчамизни айниқса, ёш авлод вакилларини янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди. Давлатимиз раҳбари "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин". Шунинг учун ҳар бир фуқаро ҳушёр бўлиши ва ҳар қандай ахборотни чуқур таҳлил қила олиши лозим. Бунинг учун эса кераклича билим ва савия талаб этилади. Агар мана шу кўникмалар шакллансагина киши ватанпарвар ва ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишади. Бу эса келгусида ҳар бир шахсдан қонунлар асосида кафолатланган ҳуқуқларидан амалда фойдалана олиши, энг муҳими, ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ таъминланиш имконини беради. Зотан, ҳуқуқини билган киши ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан холислик адолат нуқтаи назаридан қарайди. Яхши-ёмонни ажрата олади. Уни ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди.

Шунингдек тадбирда ёшларимизга берилаётган имтиёз ва имкониятлардан айрим коллеж, лицей ўқувчилари, талабалар етарлича фойдаланмаётгани, вақтини бекорга ўтказаётгани, натижада, айрим нохушликлар кузатилаётгани хусусида ҳам сўз юритилди. Ёшлар тарбияси уларнинг одоб-ахлоқи, билим олиши ўта муҳим масала. Бундан ҳеч ким ўзини четга олиши мумкин эмас. Маҳалла-кўй, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг яқин ҳамкорлиги барча муаммоларни бартараф эта олади.

Дарҳақиқат, ёшлар тарбияси, билими, ҳуқуқий маданияти қанча юксак бўлса, келгуси ҳаётининг пойдевори ҳам шундай мустаҳкам бўлади. Чунки илм инсонни ҳар қандай тўсиғу ғовлардан олиб ўтади.

Учрашув чоғида Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидан 20 нафари йиллик бепул обуна қилингани ҳақида таҳририятнинг дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбирдан сўнг коллежда ҳуқуқий йўналишда олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида коллеж директори вазифасини бажарувчи Азизбек Ҳусановни суҳбатга тортдик.

— Ёшлар билан, айниқса, ўсмирин ёшдагилар билан ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Чунки бу даврда улар вояга етиб, дунёга ўзгача нигоҳ билан қарайди. Айнан шу пайтда келажак пойдеворини яратади. Тўғри йўлни кўрсатиш эса биз каби устозлар ва ота-оналар олдидаги энг муҳим вазифа. Бу жараёнда ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши эса уларни келажакда тўғри йўлдан бориш имконини беради. Ёш авлоднинг ҳуқуқий, сиёсий билим ва маданияти қанчалик юксалиб борса, давлат ва жамият ҳам шунга яраша тараққий этаверади. Шунинг учун талабаларимизни ҳуқуқий онгини ошириш масаласи доимий эътиборимизда бўлиб, дарслардан ташқари турли учрашувлар ташкил этиб келаётирмиз. Бу каби жонли мулоқотлар уларнинг ҳуқуқий маданиятини шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда. Қолаверса, коллежлар ўртасида турли ҳуқуқий йўналишдаги танловларнинг ташкил этилгани талабаларнинг бу соҳага бўлган қизиқишини орттирмоқда. Ўтган йилда талабаларимиз "Сиз қонунни биласизми?" танловида республика босқичига иккинчи ўринни олишди.

Чинданда бугун таълим соҳасидаги турли кўрик танловлар, фан олимпиадалари ҳамда имтиёзли степендиялар каби рағбатларнинг жорий этилгани ёшларнинг илмга бўлган қизиқишини янада орттириб, уларнинг илмий салоҳиятини оширмоқда. Бу эса уларнинг жаҳон фан олимпиадаларида муносиб ўрин эгаллашига омил бўлаётир. Буларнинг барчаси юртимизда таълим соҳасига берилаётган эътибор ва ёшлар учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

— Гоҳида кўзни ғубор босиб, олдидаги неъматлар қадрини билмай қоларкан, киши. Бундай пайтда устозу катталарнинг ўгитлари биз каби ёшларга асқотмоқда, — дейди коллежнинг 2-курс талабаси Гавҳар Нишонова. — Мана шундай учрашувларда ёшларга яратилаётган имкониятлар, тенгдошларимизнинг эришаётган ютуқлари хусусида кўп айтиларди. Лекин бу бизга худди узоқдаги воқеалардек туюларди. Бироқ кузатишлар натижасида уларнинг гаплари бежиз эмаслигини, ён-атрофдаги тенгқурларимизнинг эришаётган ютуқларидан тушуниб етдим. Астойдил ҳаракат қилсанг, ҳаммасига эришиш мумкин. Бунинг учун коллежимизда барча шароитлар бор. Қолаверса, ҳаракатингни қўллаб-қувватловчи устозларнинг кўплиги кишини янада руҳлантиради. Ўйлаб қарасам, биздан фақат ўқиш ва ҳаракат керак, холос. Қолган ютуқларнинг ўзи келавераркан. Шундай экан, нега ўқимаслигимиз, берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслигимиз керак? Бу бизга берилган ҳуқуқ-ку. Ундан тўғри фойдаланиш бизнинг бурчимиздир. Буни барча тенгдошларимиз тўғри тушунмоғи ўз вақтида англамоғи даркор.

*Хулоса шуки, аҳоли, айниқса, йигит-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини оширишга бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралаётган экан, мана шундай учрашувларнинг катта нафи тегиши шубҳасиз.*

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант маблағлари асосида чоп этилмоқда.*

**Замон ўзгаришлари**

# ВИРТУАЛ ОЛАМДА

## янги имкониятлар

— Анчадан бери бир нарсани ўйлаб юргандим. Ғоям тўғри ёки нотўғрилигини билмайман. Уни қўллаб-қувватлашган тақдирда ҳам режамни амалга ошириш учун маблағ йўқ. Хуллас, бу шунчаки хомхаёл, — деб қолди билимдон курсдошларимдан бири.

— Ўрток, ундай дема. Сенда туғилган фикр бошқа ҳеч кимда бўлмаслиги мумкин, — унинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилдим. — Ғоядан маблағ йўқлиги ёки ўзингга ишонмаганинг учун воз кечиш ярамайди. Бугун ахборот технологиялари асрида интернет ўзингга ишонишга, ғоянгни молиялаштиришга ёрдам беради. Бунинг учун краудфандинг ва краудсорсинг технологияларидан фойдаланишни билсанг, кифоя...

Чиндан ҳам, бугун интернет мақсадимизни амалга ошириш йўлида биз учун яхши восита. Ишбилармонлар ундан хомашё сифатида фойдаланади. Бугун шундай технологиялар бўй кўрсатмоқдаки, улар ёрдамида бизнес лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда, бир-биридан қизиқарли асарлар, фактларга бой журналистик материаллар яратилмоқда. Социал медиа — миллионлаб, ҳатто миллиардлаб инсонларни бирлаштиришга қодир виртуал майдон. Унинг мана шу интегратив имкониятидан унумли фойдаланиш, ижтимоий медиа тараққиёти самараси ўлароқ вужудга келган янги технологияларни ўргатиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш давр талаби. Ана шундай янги



технологияларга мисол сифатида краудфандинг ва краудсорсингни келтиришимиз мумкин. Бу технологияларнинг мазмун-моҳияти нима ва бизга қандай имкониятлар яратиши мумкин? Ушбу саволга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси анжуманлар залида Ўзбекистонда интернет журналистика ривожининг долзарб масалаларига бағишланган талабаларнинг еттинчи анъанавий медиаконференциясида жавоб топишга ҳаракат қилинди.

Талабалар конференцияси етти йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, конференциянинг модератори ҳам, спикерлари ҳам талабалар.

— Ушбу медиаконференциянинг асосий мақсади — талаба ёшларни бирлаштириш, ўз фикрларини баралла айтишлари учун имконият яратиб бериш ҳамда янги-янги ғоялар асосида миллий интернет журналистикамизни ривожлантиришдир, — дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети "Услубият, таҳрир ва интернет журналистика" кафедраси доценти Шерзодхон Қудратхўжаев. — Бу галги мавзу ҳам доимгидек долзарб. Тақдимотлар ҳар бир интернет фойдаланувчиси учун қизиқарли ва фойдали бўлишига ишонамиз. Краудфандинг ва краудсорсинг технологияларини содда тилда айтадиган бўлсак, ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган ҳашарнинг моҳиятини ифодалайди. Яъни халқимиз азалдан меҳр-оқибатли, инсонпарвар бўлиб келган. Тарихан фарғона каналининг қурилиши деймизми ёки бошқа кўрсатилган жонбозликлармми, бари бу фикрни исботлайди. Краудфандингнинг моҳияти ҳам шу — бирдамлик, жамоавийлик асосида бирор фойдали ишга ундашдир.





Бу технологиялар янги тушунчалар бўлса-да, ўзига хос



тарихга эга. "Краудсорсинг" атамаси илк марта 2006 йилда журналист Жефф Ҳауининг "Wired" журнали учун тайёрлаган "The Rise of Crowdsourcing" мақоласида қўлланган. Бу муайян ишлаб чиқариш вазифаларини номуайян сонли шахслар гуруҳи зиммасига меҳнат шартномаси тузмаган ҳолда юклашни назарда тутувчи технологиядир. ЎзМУ журналистика факультети учинчи курс талабаси Нигина Ҳакимова назариядан чекинган ҳолда "Телевидениеда краудсорсинг имкониятларидан фойдаланиш" мавзусида қилган тақдимот иши орқали бу технологияни амалиётда қўллаш имкониятларини аудиторияга тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, телевидениеда краудсорсинг имкониятларидан фойдаланиш кўлами кенг. Телевидениеда краудсорсингдан интервью, ток-шоу, теле-акция, мобиль репортаж кабилар орқали фойдаланиш мумкин. Улардан теле-акция ва мобиль репортажнинг қўлланилганига деярли кўзимиз тушмайди. Эътибор берадиган бўлсак, кўрсатувларнинг кўпчилиги бир хил ғоя асосида яратилган. Агар теле-акция ўтказилиб, аудиториядан янгича ғоялар йиғиб олинса, бир-биридан қизиқарли ва муваффақиятли кўрсатувлар ташкил этилган бўларди. Аудиторияда олим ҳам, ўқитувчи ҳам, физик ҳам, санъатшуносу механик ҳам бор. Журналистнинг хаёлига ҳам келмаган ғоялар улардан чиқиши мумкин. Ёки мобиль репортажни олайлик, журналистикада тезкорлик муҳим омил ҳисобланади. Битта журналист бир вақтнинг ўзида турли вилоятларда бўлаётган воқеалар ҳақида репортаж шаклида ахборот беролмайдику. Аммо мобиль-репортаж йўлга қўйилса, бунинг имкони бўлади. Бундай вазиятда аудитория ва журналист ўртасида рақобат ҳам юзага келиши мумкин. Рақобат бор жойда эса ўсиш бўлади.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети учинчи босқич талабаси Моҳларойим Қаюмова ўз тақдимот ишида бу ҳақда тўхталиб ўтди:

— Аслида, бу технологиялар азалдан мавжуд эди. Матбуотда унинг хатлар, акс-садо каби кўринишлари бор. Аммо интернетда краудсорсинг технологияси қайтадан туғилди, десак муболаға бўлмайди. Агар сиз ўзбек халқи урф-одатлари ҳақида мақола ёзмоқчи бўлсангиз, краудсорсинг технологиясидан фойдаланиб аудиториядан маълумот олишингиз мумкин. Ижтимоий тармоқда бунинг учун биргина савол билан мурожаат қилиш кифоя.

Бу технологиялардан ноширликда ҳам фойдаланиш мумкин. Қайси китоб аудиторияга кўпроқ ёқади? Қайси бирини чоп этмаганимиз маъқул каби саволлар нашриёт раҳбарларини қийнаши табиий.

— Ишни мақсадли амалга ошириш учун ижтимоий тармоқда биргина саҳифа ёки нашриётнинг сайтида биргина рукн очилса кифоя. Бу саҳифага чоп этилиши мумкин бўлган китобларни жойлаштириб, аудитория ҳукмига ҳавола этиш керак. Аудитория уни таҳлил ва танқид қилади, ўз фикрини билдиради, овоз беради. Қайси китоб кўп овоз олса, чоп этиш учун танлаб олинади, — дейди ЎзМУ журналистика факультети иккинчи босқич талабаси Елена Чуянова. — Чет эл тажрибасига таянган ҳолда "havaskor.uz" сайтини ташкил қилишни таклиф қилардим. Бу сайт ҳам аудиториянинг ўзига ишончи ортишига, фикрлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради, ҳам ўзбек адабиётининг ривожига ҳисса қўшади. Яна бир таклифим, ижтимоий тармоқда ғоялар бозорини ташкил қилиш. Унга кимда қандай ғоя бўлса жойлаштирилади, у аудитория томонидан такомиллаштирилади ва молиялаштирилиб, амалиётга татбиқ қилинади. Бу нуқтада краудфандинг ўз ишини бошлайди.

Агар сизда қандайдир янги ғоя ёки таклиф пайдо бўлган бўлса-ю, уни амалга оширишга маблағингиз бўлмаса ёки ўзингизга ишонмаётган бўлсангиз, краудфандинг технологиясидан фойдаланганингиз маъқул.

Медиаконференция давомида мана шундай бир-биридан қизиқ мулоҳазалар юритилди, таклифлар билдирилди.

— Еттита университет талабалари иштирокида ўтказилган ушбу медиаконференцияда талабалар миллий интернет журналистикамизни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳалари билан иштирок этди. Краудсорсингнинг визуал имкониятлари, фармацевтика йўналишида краудфандингдан фойдаланиш каби мавзуларда сўз юритишди. Ўйлаймизки, бу лойиҳалар ўз натижасини беради, — дейди ЎзМУ журналистика факультети доценти, филология фанлари номзоди Нозима Муратова.

Тадбирда тажрибали мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи талабалар ишини муносиб баҳолади. Медиаконференция сўнгида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра "Энг яхши ғоя", "Энг яхши тақдимот", "Энг яхши модератор", "Энг яхши савол" ва бошқа номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

**Интернет ҳар қандай инсон учун очиқ майдон. Ундан нима топиш, уни нима билан тўлдириш ўзимизга боғлиқ. Келинг, уни миллий ахборотга, бир-биридан эзгу ғояларга тўлдирайлик. Бунинг учун янги технологияларни билишимиз, замон билан ҳамнафас бўлишимиз керак.**

**Шоҳсанам КОМИЛОВА,**
**"Hurriyat" мухбири**

**2016 йил — Соғлом она ва бола йили**

Ҳар бир оиланинг ўз қонун-қоидалари бор. Ота ибратли ҳаёти билан ўғилларига ўрнак бўлса, она ҳам қизларини рўзғор тутумидан тортиб, ахлоқ, одоб, шарм, ҳаёли бўлишга ўргатади. Оила одоби шаклланишида икки томоннинг эътибори ва меҳри муҳим ўрин тутади. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳақ-ҳуқуқлар нафақат шариатимиз, балки қонун ҳужжатларимизда ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Чунки Авлоний бобомиз таъкидлаганларидай, тарбия бу – ҳаёт-мамот масаласидир.

# ОИЛА ОДОБИ





Ҳар бир ота-она қобил фарзандлар ўстиришга ҳаракат қилади. Лекин баъзи ҳолларда оилада нотўғри шаклланган моддий ёки маънавий муҳит бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. "Ўғлинг ёмон бўлса, қаддинг букилади. Қизинг ёмон бўлса, етти пуштинг чирқирайди", дейдилар. Демак, ота-оналар фарзандлари, ўз навбатида, уларнинг ҳам нуридийдалари олдидаги вазифаларни тўлиқ адо этиши оиланинг жамият олдидаги бурчини тўғри бажараётганидан далолат беради. Шифокорларимиз ҳам "Бола тарбиясини айнан, ҳомиланинг илк давридан бошлаш керак", деб бежиз айтмайдилар. Бунинг сабаби оддий, яъни, бола тўғри ривожланиши учун аввало, она соғлом бўлиши керак. У дунёга келгандан то мактабга боргунга қадар, яқинлари томонидан тўғри йўлга солинса, айнан, улар орзу қилган инсон бўлиб вояга етади. Бундай пайтларда катталар кичиклар онгига салбий таъсир кўрсатадиган, тарбиясини бузадиган сўзлардан тийилиши керак.

Бола етти ёшига етгунга қадар онги ривожланиб, ўз мақсадларини белгилай бошлайди. Оилада, ота-онасидан қандай тарбия олган бўлса, энди уни мактабда такрорлайди. Албатта, йигит-қизларимизнинг тўғри тарбия олишида ўқитувчиларнинг ҳам хизмати беқиёс. Лекин бу борада маҳалланинг таъсири катта, деб ўйлайман. Кўча-кўйда кўрган, билганларига қараб, боланинг хатти-ҳаракатлари у ёки бу томонга ўзгариши мумкин. Агар бола "нотўғри қадам" ташлаётган бўлса, дарҳол оилада тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Хўш, бугун оилаларда бунга қанчалик эътибор берилмоқда?

Жорий йилни давлатимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши айнан, ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишишлари учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бинобарин, бугун жаҳон саҳналарида совринли ўринларни қўлга киритаётган кўплаб ёшларни кўриб, беихтиёр "отангга раҳмат!" деб юборамиз. Болалигидан яхши тарбия топган бундай ёшлар келажакда нафақат ўз оиласи, балки жамиятимизга ҳам катта фойда келтиради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, балоғатга етмаган қизларни эрта турмушга бериш, уларни оила масъуллигига ёшлигиданоқ бириктириб қўйиш турли муаммоларни келтириб чиқаради. Бу масала юзасидан маҳаллаларда ота-оналар билан очиқ мулоқотлар уюштириш, уларга бу борадаги асосли фикрларимизни айта олишимиз керак.

Мухтасар айтганда, эртанги кунимиз равнақи учун хизмат қила оладиган фарзандларни тарбиялаш, камол топтиришда оила муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, оилаларимиз тинч ва фаровон бўлиши, фарзандларимиз баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун ўз ҳиссамизни қўшишга масъулмиз. Дилбандларимиздан эса, ўз навбатида, аввало оилада, таълим муассасаларида олаётган тарбиялари орқали ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашлари талаб этилади. Зеро, ўтмиши буюк бўлган юртимизнинг келажагини бундан ҳам юксакларга кўтариш баркамол авлод қўлида эканини унутмайлик.

**Маъмур ПАРМОНОВ,**
**журналист**

# ЎЗИМИЗДАН ХОРИЖГА

**Фаолият**

Мамлакатимизда енгил-саноат хусусан, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб-чиқаришга катта эътибор қаратилиб, айни дамда энг чекка ҳудудларда ҳам кичик цехлардан тортиб, фабрикалар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида минглаб кишилар иш билан таъминланиб, бозорларимиз миллий маҳсулотларимиз билан тўлиб бормоқда.





Айни пайтда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тасаррўфида 200 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. Яна 24 та янги корхонани ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу лойиҳалар рўёби билан 12 минг 700 та янги иш ўрни яратилиб, кўплаб коллеж битирувчилари иш билан таъминланади.

Ҳозирги кунда европача услубда кийиниш урф бўлишига қарамай, кўплаб хотин-қизлар ўртасида миллий либосларимизга қизиқиш ортиб бормоқда. Баҳорнинг илиқ кунларида қизлар эгнидаги миллий матоларимиз адрас ва атласлардан тикилган либосларни кўриб қувонасан, киши. Бу ҳақда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти техника сиёсати ва прогнозлаш бош бошқармаси бошлиғи Дилбар Муҳаммедова шундай дейди:

— Шуниси қувонарлики, бозорларимиздаги аксарият кийим-кечаклар юртимиз енгилсаноат корхоналарига тегишлидир. Бежиримлиги, сифати ва нархининг ҳамёнбоплиги билан маҳсулотларимиз ўз харидорларини топаётир. Сўнгги пайтларда товарларимизнинг сифатига янада эътибор қаратиб, ҳаво ўтказиши, ювганда ранги ўчмаслиги, чўзилувчанлигига аҳамият берилмоқда. Зеро, кийим инсон танасини ташқи таъсирлардан асрайдиган восита бўлиши билан бирга, ўзига ва атрофдагиларга эстетик завқ бағишлаши лозим. Шу боис миллий элементлардан фойдаланиб, қулай ва замонавий дизайндаги кийимлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Матоларга нақш, жияк ва кашталардан безак бериб, миллийликни уйғунлаштирган ҳолда маҳсулотлар яратиляпти. Либослар дизайнини яратишда модельер рассом ва дизайнерлар билан иш олиб борамиз. Услубчиларимиз эса чет эллик дизайнерлар билан ҳамкорлик қилишаётир.

Дарҳақиқат, юртимизда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг сифат даражаси юқори бўлиб, жаҳон стандартларига бемалол жавоб беради. Кўпчилик сунъий матолардан узоқлашиб, табиий (пахта, жун, ипак,) маҳсулотдан тайёрланган кийимларни маъқул кўришяпти. Пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида "Lukbo tekstil", "Arje feyshn","Korteksoks", "Shayxontohur textile", "Crockid", "Бирюза групп" каби корхоналарнинг махсус дўконлари очилган. Бу ерда жинс ва ёшга мослаштирилган, иқлим ва фаслга мўлжалланган либослар ҳамда матоларни ҳамёнбоп нархда харид қилиш мумкин.

Дилбар Муҳаммедованинг таъкидлашича, бугунги кунда одамлар орасида тери ва аллергик касалликлар учрамоқда. Айрим ҳолларда кийимлар ҳам бунга сабабчи. Шу боис матони бўяшда синтетик аралашмалардан қочишга ҳаракат қилинади. Бу жараёнда, айниқса, болалар ва чақалоқлар кийимларига алоҳида эътибор берилади.

Россия, Германия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда Ўзбекистон маҳсулотига эҳтиёж ва талаб ортиб бормоқда. Айтиш жоизки, мамлакатимиз газлама ва матолари эндиликда Малайзия ва Ветьнам маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади.

— "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тасаррўфидаги корхоналар ташқи бозорлардаги иштирокини мустаҳкамлаб бормоқда, — дея сўзида давом этди суҳбатдошимиз. — Айни пайтда, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари 55 дан зиёд давлатга экспорт қилинмоқда. Ўтган йили Колумбия, Бразилия, Салвадор, Покистон, Грузия, Хорватия, Нигерия ва бошқа давлатларда янги бозорлар ўзлаштирилди. Жамиятимиз экспорт корхоналар маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш, хорижий давлатларга тавсия этиш мақсадида Хитой, Россия, Беларус, Латвия, Жанубий Корея, Туркия, Германия ва бошқа мамлакатларда халқаро ихтисослаштирилган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этмоқда.

Оммавий спорт кийимлари ишлаб чиқариш фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири саналади. 2015 йилда мамлакатимизда 190,8 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда ҳам "Ўзбекенгилсаноат" корхоналари юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда давом этади. Асосий эътибор, болалар спорт кийимлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилади. Жумладан, 2016 йилда 1,1 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилиш ҳамда 32 та инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилгани тадбиркорларга катта имкониятлар очади.

**Наргиза БОБОМУРОДОВА**



# “ОЛТИН ҚАЛАМ” — ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

« Бошланиши 1-бетда

Тадбир доирасида таниқли санъат усталари, ўзбек миллий эстрадасининг вакиллари ва ёш хонандалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, соҳада узоқ йиллардан бери самарали фаолият юритиб келаётган журналистлар, Ўзбекистон Миллий ва Жаҳон тиллари университетларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар қатнашдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳодиев иштирок этди ва барчани байрам билан қутлади.

## СЎЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА



**Бош миллий мукофот соҳиби “Тошкент телерадиоканали” ДУК директори Мадамин САФАРОВ:**

*— Аввало, биз журналистларни давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз доимий қўллаб-қувватлаб келаётганидан чексиз миннатдормиз. Қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида ҳам мамлакатамизда ёшларга бўлган катта эътибор ва ғамхўрликни кўриш мумкин. “Тошкент” телерадиоканалида кадрларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Хорижий тилларни биладиган, фуқаролик позицияси ва кенг дунёқарашига эга ёшларга суяниб, уларни қўллаб-қувватлаб ишлаганимиз натижасида шундай мукофотни қўлга киритдик.*

*Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам, деган қараш ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида бўй кўрсатмоқда. Бугунги кунда ўзбек томошабини ўзи истаган, ёшига мос телеканални кўриш имкониятига эга. Яқин-яқингача юртимизда бор-йўғи тўрттагина телеканал фаолият юритарди. Бугун эса уларнинг сони ўн учтага етди. Ушбу юксак мукофот телеканалимиз жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди. Кейинги фаолиятимизда бизга куч-қувват беради, қанот бағишлайди.*



**Матбуот йўналиши бўйича биринчи ўрин “Маънавий ҳаёт” журнали жамоаси бош муҳаррири Эшқобил ШУКУРОВ:**

*— Муҳтарам Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида маънавий баркамолликка эришиш ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Ўзингизга маълум, бугун жаҳон миқёсида нечоғлик мураккаб вазият сақланиб турипти. Буларнинг ҳаммаси маънавият тушунчасига бориб тақалади. Яъни қайси мамлакатда маънавий ҳаёт яхши бўлса, у осойишта. Қайси мамлакатда бунинг акси бўлса, у таназзулга юз тутади. Шундай вазиятда ўзини турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қила олган халқ ўз ватанини ҳимоя қилган бўлади. Бу ўринда журналистларимизнинг ҳақиқатгўйлиги, холислиги, виждони уйғоқлиги, эл-юртига муҳаббати катта аҳамият касб этади. Бизда азалдан қалам юки деган тушунча бор. Мазкур тушунча илоҳий даражада қадрланган. Яъни кимнингки қўлида қалами бўлса, унга ишонганлар, уни қадрлаганлар, унга халқнинг, ҳақиқатнинг овози сифатида қараганлар. “Маънавий ҳаёт” журнали жамоаси ана шу эзгу ишни зиммасига олган. “Олтин қалам” миллий мукофоти ҳам айни шу жараёнларнинг бугунги кундаги акси, десак муболаға бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимизни, ғолибларни 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни билан табриклайман.*



**Радио йўналиши бўйича биринчи ўрин Андижон вилояти “Дийдор” радиоси муҳаррир-бошловчиси Бахтиёр МАВЛОНОВ:**

*— Ҳар йили устозларимнинг мана шундай мукофотга сазовор бўлганини кўриб, уларга ҳавас қилардим. Радио менинг ҳаётим, десам муболаға бўлмайди. У орқали инсонлар кўнглига кириб боришга, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурлар, эшиттиришлар тайёрлашга ҳаракат қиламан. Бу йилги танловга ижтимоий роликларим, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга бағишланган “Унутмоқ осонмас бизларни” номли дастурим билан қатнашдим. Камтарона хизматларимга шундай улуғ мукофот лойиқ кўрилганидан хурсандман.*



**Телевидение йўналиши бўйича иккинчи ўрин соҳиби “Ёшлар” телеканали муҳаррири Мўмин ИБОДОВ:**

*— Тинч, осойишта, яратувчанликка бой ўтаётган ҳар бир кунимизнинг ўзи кишига олам-олам қувонч бахш этади. Инсон ўз касбидан завқ олиб яшаса, ана шу ёруғ кунлар ҳаётимизга янада кўпроқ мазмун бахш этади. Журналистика соҳасининг биргина телевидение йўналишининг ўзида қанчадан-қанча улкан ўзгаришлар юз берди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Замон талабларига жавоб берадиган техникалар билан таъминланган кенг ва ёруғ студияларда фаолият олиб боряпмиз. Информацион дастурлар ўз номи билан юртимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий янгиликлар, эзгу ишлар бор бўй-басти билан халқимизга етказиб беріляпти. Мазкур жараёнда қатнашиб, ҳиссамиз қўшилаётганидан, ана шу ишларимиз танловда юқори баҳоланганидан мамнунмиз. Бу мукофот муҳаррир, режиссёр, тасвирчи, умуман, жамоанинг ҳар бир аъзосининг меҳнатига берилган баҳо, деб ўйлайман. “Олтин қалам” бизни бундан буён янада фаол бўлишга ундайди.*



**Интернет журналистика йўналиши бўйича 3-ўрин соҳиби “Kun.uz” веб-сайти муҳаррири Элдор АСАНОВ:**

*— Бугунги кунда интернет журналистикага бўлган эътибор тобора ортмоқда. Кунига камида юз минг киши сайтимиздан фойдаланади. Бир кунда юз-юз элликта хабар сайтимиз фойдаланувчиларига етказиб берилади. Улар орасида таҳлилий-танқидий материаллар ҳам бор. Мавзу кўлами кенг. Қисқаси, бор имкониятимизни ишга солиб, фаолликни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилиб келяпмиз. Меҳнатимиз юксак мукофотланганидан ғоятда миннатдормиз. Шу хурсандчилик лаҳзаларида ота-онамга, устозларимга раҳмат айтмоқчиман, уларнинг ишончи бўлмаганда бу натижаларга эришолмасдим.*

**Репортажни “Hurriyat” мухбирлари Х. ФАЙЗИЕВА, Ш. КОМИЛОВА тайёрлади.**
**Суратлар муаллифи Ф. РАҲИМОВ.**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

### ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТ

**«Тошкент телерадиоканали» ДУК ижодий жамоаси — директор Мадамин Сафаров**

Мамлакатимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларни, пойтахтда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кенг ёритгани учун.

### АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР

**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

*1-ўрин:*
**ЭОАВМА Ахборот маркази “Ўзбекистон онлайн” информацион дастури — лойиҳа раҳбари Феруза Элмуродова**
Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни кенг ва тезкор ёритгани учун.

*2-ўрин:*
**Мўмин Ибодов — «Yoshlar» телеканали муҳаррири**
Ёшларга оид давлат сиёсати моҳияти кенг ёритилган, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган дастурлари учун.

*3-ўрин:*
**Матлуба Юсупова — Андижон вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири**
Мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилаётган янгиланишлар, буюк аждодларимиз меросига қаратилаётган эътибор мавзуларидаги кўрсатувлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

*1-ўрин:*
**Бахтиёр Мавлонов — «Дийдор» радиоси муҳаррир-бошловчиси**
Мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётидаги янгиланишлар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид эшиттиришлари учун.

*2-ўрин:*
**«Маҳалла» радиоканали ижодий жамоаси — раҳбари Фахриддин Абдураҳимов**
Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни, тинчлик-осойишталикни таъминлашда маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларга оид туркум материаллари учун.

*3-ўрин:*
**Римма Собиржонова — «Водий садоси» радиоси бошловчиси**
Жамиятда қонун устуворлигини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар самараларига оид туркум эшиттиришлари учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):**

*1-ўрин:*
**«Маънавий ҳаёт» журнали таҳририяти — бош муҳаррир Эшқобил Шукуров**
Истиқлол йилларида мамлакатимиз маънавий ҳаётида юз берган улкан янгиланишларни жамоатчиликка кенг тарғиб этган туркум материаллари учун.

*2-ўрин:*
**«Дўстлик байроғи»/«Знамя дружбы» газеталари таҳририяти (Навоий вилояти) — бош муҳаррир Абдумажид Жўраев**
Мамлакатимиз ва Навоий вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самараларини кенг ёритгани учун.

*3-ўрин:*
**Саид Раҳмонов — «Халқ сўзи» газетаси мухбири**
Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнини кенг ва таҳлилий ёритгани учун.

**Энг яхши журналистик материал учун (интернет-журналистика):**

*1-ўрин:*
**Азизжон Эрматов — «Бувайда кўзгуси» газетаси веб-сайти адабий ходими** *(Фарғона вилояти)*
Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларни интернет тармоғида кенг ёритгани учун.

*2-ўрин:*
**Исоқжон Бегматов — «Тўхтабой» жомеъ масжиди имом-хатиби**
Аҳолини, хусусан, ёшлар онгини диний экстремистик оқимлар таъсиридан асрашга қаратилган маънавий-маърифий ҳамда диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган туркум материаллари учун.

*3-ўрин:*
**Элдор Асанов — «Kun.uz» веб-сайти муҳаррири** Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар ва бунёдкорлик жараёнини кенг ва таҳлилий ёритгани учун.

### РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР БЎЙИЧА:

**Энг яхши матбуот хизмати номинацияси:**

**«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати — матбуот хизмати раҳбари Мирзо Муродов**

**Энг яхши фоторепортаж учун номинацияси:**

**Анвар Ильясов — «Жаҳон» АА фотомухбири**

### МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ:

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси:**

*«Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материал учун»*
**Муҳаббат Отамирзаева — «Андижоннома» газетаси бўлим мудири**

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши:**

*«Соғлом она ва бола йили мавзусидаги энг яхши материал учун»*
**Лаззет Есемуратова — Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси муҳаррири;**
*«Ижтимоий шериклик мавзусидаги энг яхши материал учун»*
**Адиба Умирова** — «Ҳуррият» газетаси мухбири

### ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ:

*«Ўзбекистон ҳақида хорижий ОАВда берилган энг яхши материал учун»*
**«Мастерская» кинокомпанияси (РФ) «Узбекистан: жемчужина песков» ҳамда «Сквозь пески времен» ҳужжатли фильмлари учун — Ўзбекистондаги ҳамкори ЭОАВМА;**

*«Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун»*
**Рамиль Исламов — «Правда Востока» газетаси бўлими мудири**

### ЮНЕСКОнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ:

*«Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли» номинацияси бўйича*
**Роза Ҳамидова — Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари**

### БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ:

*«Энг яхши ёшлар интернет нашри» номинацияси бўйича*
**Мастура Ҳамроева — «Маънавият гулшани» газетаси мухбири** (Сурхондарё вилояти)

### «МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ» (Словения):

*«Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун» номинацияси бўйича*
**Лола Ракаева** — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлари шарҳловчиси;
**Лобар Исломова** — «Анҳор.уз» веб-сайти бош муҳаррири

### ЮСАИД ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ЛОЙИҲАСИ:

*«Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материаллар учун» номинацияси бўйича*
**Сайёра Ҳасанова — Хоразм вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири;**

### ГЕРМАНИЯНИНГ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ DVV INTERNATIONAL ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ:

*«Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВнинг энг яхши материали учун» номинацияси бўйича*
**Луиза Маҳмудова — «Туркистон-пресс» НАА муҳаррири**

# ҲОКИМ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Навоий вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов бир гуруҳ фаол ёшлар билан учрашди.

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда.

“Ватан келажаги сенинг қўлингда!” шиори остида ташкил этилган учрашув ёшларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш, бу борадаги тизимли ишлар самарадорлигидан доимий хабардорлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Бугун вилоятда 2 олий таълим муассасаси, 47 касб-ҳунар коллежи, 4 академик лицей ва 355 умумий ўрта таълим мактаби самарали фаолият юритмоқда. Навоий шаҳридаги Ёшлар маркази, “Ёшлик” спорт мажмуаси, туман ва шаҳарлардаги стадионлар, ёпиқ ва очиқ сузиш ҳавзалари, турли йўналишдаги тўгараклар ўғил-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан улғайишига хизмат қилмоқда.

Ёшларни эзгу мақсад ва ғоялар атрофида бирлаштириш, тенгдошлари билан соғлом рақобат муҳити асосида илмий ва техникавий кашфиётларни амалга оширишида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаракатнинг вилоятдаги 600 дан зиёд бошланғич ташкилоти қарийб 170 минг нафар ёшларни қамраб олган.

Учрашувда ёшлар ўқувчиларнинг касб танлаши учун ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига кўпроқ саёҳатлар уюштириш, ёшларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган дастурларни кенгайтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш мақсадида ёшлар фольклор-этнографик жамоалари ташкил этиш, таълим муассасаларида янги йўналишлар очиш таклифларини билдирди. Иқтидорли ўқувчи-талабалар учун вилоят ҳокимлиги стипендияси таъсис этиш, ёшларда интернет маданиятини юксалтириш, Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида WiFi ҳудуди ташкил этиш таклифи айниқса кенг муҳокама қилинди.

Ёшлар марказидаги “Creative — инновацион ғоялар” тўгараги аъзосиман, — дейди Сардор Раҳмонов. — Учрашувда тўгарагимиз учун “Лего” роботлаш дастури ва жамланмаси харид қилиш таклифим ҳоким томонидан қўллаб-қувватланди ва тез орада ижобий ҳал этиладиган бўлди. Бу қурилма ёш техник ихтирочиларнинг янги ғояларини амалга ошириш, саноат корхоналари учун самарадор, замонавий робот қурилмалари яратишда муҳим омил бўлади.

Учрашувда мамлакат ва халқаро миқёсдаги танловлар, фестиваль ва мусобақалар ғолиблари вилоят ҳокимининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Н.РАҲИМОВ, ЎзА мухбири**

# КИТОБГА ОШНО ЭДИ

**Хотира — азиз**

Ҳотам Файзиев... Укпардек оппоқ сочлари ўзига ярашган, қотма гавдали, мудом чеҳрасида хиёл табассум аксланиб турадиган бу инсонни ҳамма бирдай ҳурмат қиларди. Фариштадай беғубор одам эди. Сувратию сийрати ҳам шунга монанд эди.



"Ўзбеккино" миллий агентлигида муҳаррир бўлиб ишлаганим боис таниқли кино усталари билан тез-тез гаплашиб турардик. Очиғи, уларнинг кўпчилиги билан муносабатимиз салом-алигу иш ҳақидаги гап-сўзлардан нарига ўтмаган. Салобати босарди, кино дарғаларининг! Бироқ Ҳотам ака билан анча қадрдон бўлиб қолган эдик. Ҳар гал у киши хонамга кириб келганида қувониб кетардим. Икковимиз янги фильмлар, сценарийлар ҳақида соатлаб суҳбатлашардик.

Ҳотам ака "Ўзбекфильм" киностудиясининг ҳақиқий фидойиси эди. У ердаги озгина ютуқдан ҳам ёш боладай қувонар, муаммолари ҳақида куйиб-пишиб гапирарди.

— Кўчада кетаётиб, "Ўзбекфильм" қурилиш молларини сотиб олинг" деган баҳайбат эълонга кўзим тушиб қолди, — деди у киши бир гал куйиниб. — Буям етмагандай, қайси куни таксига чиқиб, "Ўзбекфильм"га ташлаб қўйинг" десам, ҳайдовчи "қурилиш қилаётган экансизда", дейди. Кўпчилик "Ўзбекфильм" деса оҳак билан цементни тушунадиган бўп қолибди. Бу кетишда киностудиянинг аҳволи нима бўлади?

Чинданам, анча йиллар бурун қайсидир ишбилармон киностудия ҳудудининг бир қисмини ижарага олиб, қурилиш моллари савдосини гуркиратиб юборган эди. Бошқалар бу ҳолга эътибор бермаслиги мумкин, аммо Ҳотам ака "Ўзбекфильм" киностудиясининг шаъни, обрўсини ҳамма нарсадан устун қўярди. Ҳаётининг мазмунига айланиб қолган бу даргоҳнинг тақдирига бефарқ қарай олмасди.

Киночилар орасида Ҳотам Файзиевнинг операторлик маҳорати ҳақида афсоналар юрарди. Айтишларича, хориждаги кино институтларидан бирида у кишининг кадрлари талабаларга ўқув қўлланмаси сифатида ўргатиларкан. Бу бежиз эмас. Таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан», «Тошкент – нон шаҳри», «Абу Райҳон Беруний» сингари фильмларини эсланг. Ҳотам ака тасвирга олган мазкур картиналарнинг ҳар бир лавҳаси чинакам санъат намунасига айланган.

Кейинги вақтларда Ҳотам ака режиссёр сифатида фильмлар ишлашга қаттиқ бел боғлаган эди. Шу ниятда муаллифлар билан ҳамкорликда бир нечта сценарий ҳам тайёрлади. Бироқ кино идораси мутасаддилари негадир бунга ҳадеганда рўйхушлик беравермасди. "Сиз кучли операторсиз, режиссёр бўламан деб бошингизни оғритиб нима қиласиз? Ундан кўра, янги-янги картиналарни тасвирга олиб, шогирдлар тарбияласангиз яхши бўларди" деган гапни гоҳо очиқчасига, гоҳ пардага ўраб айтишарди. У киши ҳеч қачон эътироз билдирмас, олиб келган сценарийсини қўлтиқлаганча индамай чиқиб кетаверарди.

— Нега ҳамма мени оператор деб ҳисоблашига тушунмайман, — деди бир гал куйиниб. — Ахир, институтнинг кинорежиссёрлик факультетини битирган бўлсам... Фақат икки йил операторлик курсида ўқиганман.

— Шу гапни менга эмас, раҳбарларга айтишингиз керак.

— Айтмасам ҳам ўзлари билишади-ку! – деди Ҳотам ака ўйланиб. — Хўш, сизнингча, мен режиссёр ҳисобланаманми ёки оператормі?

— Айб ўзингизда, — дедим гапни ҳазилга буриб. — Бу ҳақда олдинроқ ўйлашингиз керак эди.

Ҳотам ака менга ажабланиб қаради.

— Тасвирга олган фильмларингизнинг ҳаммасини «қалпоқ қилиб» қўйгансиз. Вақтида бир-иккитасини сал «бундоғроқ» ишлаганингизда шу машмашалар йўқ эди.

Ҳотам ака табиатан содда, тўғрисўз одам бўлгани учун бу гапларнинг маъносини тушунолмай, баттар ҳайрон бўлди.

— Кадрларингизда камчиликлар бўлганида, "бу одам операторликни эплай олмади, буёғига ўзининг ишини қилсин" деб режиссёрликка ўтказишарди.

— Қаранг, шу нарса хаёлимга келмаган экан, — дея кулди у киши. — Лекин барибир бу иш қўлимдан келмасди.

Нима бўлганда ҳам Ҳотам Файзиев маълум даражада ниятига эришди. Режиссёр сифатида ишлаган "Оқ бино оқшомлари", "Кичкина одамлар", "Ёзсиз йил", "Таъзиядаги тўй" (таниқли режиссёр Мелис Абзалов билан ҳамкорликда) фильмларини томошабинлар илиқ кутиб олишди.

Очиғи, айрим режиссёрлар "кино ва адабиёт — бутунлай бошқа нарсалар" деган гапни кўп такрорлашади. Бир ҳисобда уларнинг ҳам гапида жон бор. Зотан, кино санъатининг асосий ифода воситаси тасвир ва ҳаракатдан иборат бўлса, адабиёт сўз кучига таянади. Уларнинг "бошини қовуштириш" ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Баъзи киночиларнинг юқоридаги тушунча таъсирида миллий адабиётимизга анча беписанд қарашидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Улар янги чиқаётган асарларни деярли ўқимайди, ёзувчи-шоирларнинг кўпчилигини яхши танимайди. Ўзи сценарий ёзиб, ўзи суратга олиш иштиёқи кучли. Афсуски, ҳаммаям Зулфиқор Мусоқов, Ёлқин Тўйчиев бўлолмайди...

Ҳотам ака эса адабиётнинг ҳақиқий мухлиси эди. Тинимсиз ўқирди. Қачон қарасангиз, биронта китоб ёки адабий журнални қўлтиқлаб юрарди. Китоблардан кино қидирарди. Қўлига тузукроқ асар тушиб қолса, муаллифини сўраб-суриштириб, топиб, у билан гаплашарди. Режиссёр сифатида суратга олган тўртта фильмига ҳам бадиий асарлар асос бўлди.

Ҳотам Файзиевнинг сценарийни ишлаш жараёнидаги талабчанлиги, синчковлиги унча-мунча ижодкор учун яхшигина тажриба мактаби вазифасини бажарарди. Бунга ўзим гувоҳ бўлганман.

«Таъзиядаги тўй» деб номланган комедиям нуфузли театрлардан бирининг ижодий режасига киритилган эди. Лекин негадир пьесани саҳналаштириш ҳадеб ортга сурилаверди. Сабабини сўрасам, тайинли гап айтишмайди. Илгари ҳам бир-икки марта шунақа ҳолатларга дуч келганим учун ҳафсалам пир бўлиб, қўл силтаб қўя қолдим. Бу орада пьеса «Ёшлик» журналида чоп этилди.

Кутилмаганда Мелис Абзалов билан Ҳотам Файзиев ана шу пьеса асосида фильм ишлашни таклиф қилиб қолишди.

— Майли-ку, лекин буни театрга мўлжаллаб ёзган эдим, — дедим иккиланиб. — Аввал саҳнада қўйилса яхши бўлармиди...

— Мелис икковимиз шу пайтгача театрда қўйилган пьесаларни кино қилиб келдик, — деди Ҳотам Холматович. — Театрдагилар ҳам бир марта биз кинога айлантирган асарни саҳнага қўйишса зарар қилмас.

Хуллас, шу кунги суҳбатдан сўнг пьесани киносценарийга айлантиришга киришиб кетдим. Ҳотам ака кунда-кун ора келиб хабар олади. Нималарни ёзганимни суриштириб, жўяли маслаҳатлар беради.

Бир ойнинг нари-берисида адабий сценарий тайёр бўлди. Асар бадиий кенгашда ҳам маъқулланиб, "Ўзбекфильм" киностудиясида ишга туширилди. Қишнинг аёзли кунлари эди. Киностудияда иситиш тизими яроқсизлиги сабабли хоналар совуқ, ўтириб ишлашнинг имкони йўқ. Вақт эса кутиб турмайди.

Оқсоқол киноижодкорларга «Ўзбеккино» миллий агентлигидан шинамгина хона ажратиб беришди. Менга жуда қулай бўлди. Ҳам ишларимни қиламан, ҳам улар билан ўтириб режиссёрлик сценарийсини ёзамиз.

Учаламиз эрталабдан ишга киришамиз. Ҳар бир жумла, эпизодни «чиғириқдан ўтказамиз». Режиссёрлик сценарийсини ёзиш — жуда сердиққат, машаққатли жараён. Кишини тез толиқтиради. Мелис ака буни яхши билади. Шу боис орада қизиқ-қизиқ воқеаларни гапириб бериб, бизни кулдиради. Сўнг яна компьютер экранига термуламиз. Тушга яқин фильм директори Шариф ака Қосимбоев сомса ёки гумма кўтариб кириб келади...

Кечқурун ёзганларимизни компьютердан чиқариб, Ҳотам аканинг қўлига тутқазаман. У киши эртаси куни саҳифаларни "қора қонига бўяб" кўтариб келади. Назаримда, Ҳотам ака чиройли диалогларни қисқартириб юборгандек туюлади. Икковимиз талашиб-тортишамиз. Мен сўзни қизғанаман, у киши тасвирга кўпроқ урғу беришимиз керак, дейди. Ҳотам ака мулойимлик билан, ётиғи билан фикрларини тушунтиради. Табиийки, Мелис ака ҳам дўстининг фикрларини ёқлайди. Охир-оқибат оқсоқол санъаткорларнинг ҳақ эканига иқрор бўлиб, кечаги лавҳаларни қайтадан ёзишга тушаман...

Бир ойча давом этган бу жараён ҳақида яна узоқ гапиришим мумкин. Мен бу вақт ичида тажрибали кино усталаридан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Шундан сўнг кино драматургияси ҳақидаги тушунчаларим анча ўзгарди. Сценарий ҳақидаги тасаввурим кенгайди. Бунинг учун улардан ниҳоятда миннатдорман.

Ҳотам Файзиевнинг қизиқ одатлари бор эди. Мазмунли фильм кўрса ёки яхши сценарий ўқиса ёш боладай хурсанд бўлиб кетарди. Бадиий кенгаш мажлисларида доим холис гапирарди. Ҳеч кимга, ҳатто, ўзига яқин одамларга ҳам ён босишни истамас эди. Таниқли ижодкорларнинг сценарийларида учрайдиган нуқсонларни ҳам яшириб ўтирмасди. Муҳокама пайтида аввалига унинг ютуқлари ҳақида гапирар, сўнг "яхши асарни янаям яхшироқ қилишда асқотиши мумкин бўлган таклифлари"га ўтарди. Ҳотам ака беозоргина қайд этиб ўтадиган "таклифлар" кўпинча ўша асарнинг савияси қай даражада эканини очиқ-ойдин кўрсатиб қўярди. Турган гап, бу ҳол ҳаммагаям бирдай ёқавермасди. Сценарийси Ҳотам аканинг "таклифлари" билан "силланган" ижодкорларнинг у кишидан астойдил хафа бўлганига кўп бор гувоҳ бўлганман.

— Имкони бўлса, мени бадиий кенгашдан чиқариб юборинглар, — дерди Ҳотам ака баъзан. – Бу ерда гапираверib, кўпчиликнинг кўзига ёмон кўриниб қолдим.

Табиийки, бу илтимосни бажаришнинг имкони йўқ эди. Чунки бадиий кенгашга ана шундай ростгўй, холис одамлар жудаям керак эди.

Бир куни Ҳотам ака қўнғироқ қилиб қолди.

— Муҳокамага қўйилаётган сценарийларни ўқиб, фикрларимни ёзиб қўйганман, — деди салом-аликдан сўнг. — Сизга олиб бориб беришади. Бу гал муҳокамада қатнашолмайдиганга ўхшайман. Тақризларни ўзингиз менинг номимдан ўқиб берарсиз.

Одатда, Ҳотам ака жиддийроқ сабаб бўлмаса, бадиий кенгаш йиғилишларини ўтказиб юбормасди.

— Бирон зарур ишингиз чиқиб қолдими? — сўрадим мен.

— Йўқ... Дўхтирлар "озгина дам олишингиз керак" дейишди. Шунга стационарга ётувдим.

Шундагина эътибор бердим, Ҳотам аканинг овозида ҳорғинлик, аллақандай мунг сезилиб турарди.

— Бехабар қопмиз-ку, — дедим ўнғайсизланиб. — Қайси стационарда ётибсиз? Кўргани борамиз...

— Овора бўлманг, — гапимни бўлди Ҳотам ака. — Ҳозир яхшиман, бир-икки кунда жавоб беришади. Жуда бўлмаса, бирон кун ишдан қайтишда уйга кириб ўтарсиз... Укол-дорилар одамни анча ҳолсизлантириб қўяркан. Тақризниям зўрға ёздим. Эрталаб устидан кўриб, бир-икки жойини тузатган эдим. Қайтадан оққа кўчиришга кучим етмади. Шунга... ўқишга қийналсангиз, мендан хафа бўлманг.

Нима дейишни билмай, бир муддат жимиб қолдим. Шифохонада ҳам кино ҳақида ўйласа... Менимча, бу ўринда ортиқча гапга ҳожат бўлмаса керак. Мана шу бир-икки оғиз гапининг ўзи Ҳотам аканинг сийратини тўлароқ тасаввур этиш учун етарли деб ўйлайман.

Кечга яқин тақризлар етиб келди. Чинданам, Ҳотам аканинг дастхати аввалгиларидан бироз фарқ қилар, ҳар бир сатрни қийналиб ёзгани сезилиб турарди. Лекин уч-тўртта жумлага тузатиш киритилганини айтмаса, матн равон ва тушунарли. Беғубор санъаткор ҳар бир ишни батартиб, расамади билан қилишга одатланган, юзакилик унинг табиатига бегона эди.

Ўшанда Ҳотам ака билан охирги марта гаплашиб турганимиз хаёлимга ҳам келмаган эди. Эртаси куни "Ҳотам Файзиев вафот этибди" деган нохуш хабар етиб келди... Ҳа, дарҳақиқат, у киши ҳаётининг сўнгги дамларида ҳам кино ҳақида ўйлаган эди. Ҳотам ака ана шундай одам эди.

Тез орада бадиий кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Ўша тақризларни ўқиб берганимда хонага бир муддат жимлик чўкди. Кенгаш аъзолари Ҳотам Файзиевнинг бўш қолган ўрнига ўйчан тикилиб қолишди. Ахир, у кишининг орамизда йўқлигига кўникиш осон эмас эди.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД**

---

## Инсон манзаралари

**4**

ларим, ишонган тоғларимни аллақайси тамагирнинг қўлига топшириб, эл олдида юзим шувут бўлиши керак? Билиб қўй, ҳақиқат букилгани билан синмайди. Ватанимиз чегараларини сенга ўхшаган ишончли ўғлонлар қўриқлаши керак. Шундагина тинчлигимиз абадий бўлади, — Ҳақбердининг елкасига қоқиб қўйди онаси.

— Дунёда муштипарига энг кўп азоб берган ўзим бўлсам керак, — дея Шоирнинг овози титради. – Мени орқаларида опичлаб, катта қилганлар. Ҳатто оғзидаги луқмани ҳам илинардилар. Ғалла ўримида ортларида сув олиб борардим. Пахта терим пайтлари тезроқ катта бўлиб, онамга ёрдам беришни истардим. Қайтангта улғайиб оқ сочларини кўпайтирдим. Фироқларига яна битта ҳижрон қўшдим.

— Ундай дема, болам! Сендан кўнглим тўқ. Нияти тўғри одамни ҳеч ким йўлдан уролмайди. Қани, ҳамма ҳам сендақа шоир бўлиб кўрсин-чи? Шоирлик даво қилиб, қоғоз қоралаб юрган билан айрим шеърлар бир ўқишга арзимайди.

— Барибир сиз билан Норбиби холам олдида қарздорман. Холамни ўсал ётибди, деб эшитгандим. Оёқлари оғришини билиб, жунпайпоқ сотиб олдим. Кўк чой қон босимларини туширади. Яна туршак, майиз, ҳолва...

— Бунга кеч қолдинг! Холангни ерга бериб қўйдик. Энди руҳларига бағишлаб, дуо қилишдан бошқа чорамиз йўқ, — дея онаси кўзига ёш олди.

— Йўғ-эй, — деди у унғайсизланиб. — Худо раҳмат қилсин. Унда ўғиллари Расул аканикига ўтиб келарман.

— Ўша нотавонникига бориб, нима қиласан? Ака-укалар ҳамма нарсани сансоларга солиб, ўликни ҳам бебқадр қилишди. Опамнинг уй тўридаги йиғилган жойи ағанаб, ерга бир даста пул сочилиб кетди. Бечора ўлимлигига ҳозирлик кўриб қўйган экан. Бундан жиянларим мулзам бўлди.

— Ҳар сафар холангни кўриб келдингми, деб сўрардингиз. Мен бунга вақтим йўқлигини айтардим. Бундай бўлиши хаёлимга келмабди. Негадир ўзимни гуноҳкор сезаяпман.

— Бу дунёда ҳамма ғанимат, болам! Биринчи ўқитувчинг ҳам оламдан ўтди. Холангни қабрига борганингда, устозингни ҳам фотиҳа қилишни унутма.

— Тонг отиши билан қабристонга бораман.

— Яна бир янгилик. Газетага чиққан шеърларингни келтириб берадиган қизни тўйи бўлаяпти, — дея токчадаги таклифномани ўғлига узатди.

— Гулсараними?..

— Ҳа, ўша қўшни маҳаллага келин бўлаяпти.

— Қишлоқда Навоийни тушунадиган биттагина Гулсара эди. Уни нега

**5**

қўлдан чиқардингиз? Кўнглим борлигини билардингиз-ку!

— Отаси уни топарман-тутарманга берармиш. Ўзинг олти ойдан бери қорангни кўрсатмайсан-у, яна Гулсарадан хафа бўлишингни қара.

— Хўш, куёв бола нима иш қиларкан, — у қизиқсиниб сўради.

— Ҳар ҳолда, Россияга кетмас экан. Уни яқиндан билганлар қассоб деб мақташаяпти.

— Қишлоқда шунча йигитлар турганда, Гулсара нега уни танлади? Мактабдан қайтаётганимизда, биргаликда кўлдаги оққушларни томоша қилардик. Отаси овга чиққанда, тустовуқларни отишга йўл қўймасди. Гўштли таомларни унчалик хушламасди. У билан бахтли бўла олармикан?

— Буни билмадиму, сенга ундан зўр қизни кўзлаб қўйдим. Шеърларингга ақли етмаса ҳам, чизган чизиғимдан чиқмайди. Бирам чаққон, бирам ширинсухан...

— Онажон, бундан хафа бўлманг. Гулсара бурнини тагидагиларни назарга илмасди. Энди ўзидан кўрсин? Ёлғончининг тўйига бормайман, — деди онасига у.

— Яна нимадан безовта кўринасан?

— Менга нега фақат дунёнинг оппоқ томонларини кўрсатдингиз? Шунча меҳр берсам ҳам, баъзиларнинг дўстлиги бирор мансаб ёки мукофотга эришиб олгунча экан. Биласизми, уларга кимдан кўп манфаат тегса, шундан яхши одам йўқ. Ҳаммасидан дўстлик тушунчаси синов майдонига айланиб бораётганидан тушкунликка тушиб бораяпман. Нима, инсоннинг инсонга оқибати шуми?

— Мен ҳам шунга куяман-да, болам!

— Айтинг, мен ҳам... Умрим бўйи бойгилардан холи... бирорта қиёматли дўст топа оламанми?

— Бунга ваъда беролмайман, болам.

— Дўстларсиз ҳаётнинг нима қизиғи бор?

— Бевафо дунё, нетармиз, болам!

— Кўнглим оғрияпти, она! Чораси қайда?

— Бунга ожизман, болам.

— Олти ойки, шундан ўзимга келолмайман. Еру осмон бегонадай. Ҳаммасидан кўнглим қолди. Энди ҳеч қаерга қўйиб юборманг.

— Мени қўрқитма, жон болам. Ҳамма нарсани кўнглингга яқин олаверма. Дунёни қўй, юр, ўриқзорга борамиз. Мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оласан. Шифобахш гиёҳлардан чой дамлаб бераман. Бир зумда ҳасратларинг тарқаб кетади.

Улар катта боғ этагига тушиб кетишди. Мамлакат ая шу баҳонада болаларини янада бир-бирига яқинлаштирди. Меҳмонлар ҳам шундай дуогўй онаси борлигидан хурсанд бўлиб, уйларига тарқалиб кетишди.

**Адиба УМИРОВА**

---

# УРУШ ДАВРИ БОЛАЛАРИ

**Кексалар ҳикоя қилади**

Юртбошимиз ташаббуси билан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлана бошлаганидан буёғига ҳам бир йигит умрича вақт ўтди. Мана шу йиллар давомида бир нарсани кўп ўйладим: инсон учун хотирадан азизроқ туйғу бормикан? Ахир, унинг ичида меҳр ҳам, муҳаббат ҳам, соғинч ҳам... нафрат ҳам бор.



Ўтган йилларингни эслаганда, кўзга қалқиб чиқадиган икки қатра ёш — йўқотган яқинларинг муҳаббати, кечган азиз дамларинг соғинчи, яқин инсонларингнинг бу ҳаётни эрта тарк этишига сабабчи машъум урушга бўлган нафратингнинг белгиси эмасми?..

Менинг-да болалигим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди.

Уруш даври болалари... Улар гўё болаликни четлаб ўтиб, бирданига улғайиб қолган, катталар каби фикрлайдиган ва улар билан ёнма-ён меҳнат қилган болалар эди. Бугун аксариятининг кўксида оппоқ соқол, бошларини қиров қоплаган нуронийлар... Отасини, акасини, тоғасини урушга кузатиб, ортидан кўзлари тўла ёш билан мўлтираб қолган болакайлар... бугун бобо. Улар мустақиллик неъматидан баҳраманд, фарзанду невараларi бахту камолини кўраётган бахтиёр боболардир. Аммо кўнгилдаги хотиралар асло ўчмас экан.

Ўшанда бола эдим, оиламиздан уч киши — отам ва икки амаким (отамнинг укалари) бирин-кетин фронтга жўнаб кетишди. Ёши улуғроқ катта амаким, яъни отамнинг акаси ҳам фронт орти ишларига жалб қилинди.

Отам ва бир амаким урушда ҳалок бўлди. Яна бир амаким, худди кечагидек эслайман, 1943 йилнинг изғиринли қиш кунларидан бирида қўлтиқтаёқ билан уйга кириб келди. 18 ёшли навқирон йигитнинг бу аҳволини кўрган жигарларнинг фарёдини айтмайсизми!..

1941 йилнинг кузидан "қора хат" ибораси кўп такрорланадиган бўлиб қолди. "Қора хат"да, одатда, жангчининг фронтда "Ватан озодлиги учун қаҳрамонларча ҳалок бўлгани" ёки "бедарак кетгани" ҳақида маълумот бўларди. Шундан сўнг болалар отасизлик нима эканини ҳис қила бошлади. Етимлар сони кун сайин ортиб борарди. Айниқса, отаси урушга кетган ёки ҳалок бўлгандан кейин туғилган болаларга оғир эди. Ота боласини, бола эса отасини лоақал узоқдан бўлса ҳам кўрмаган эдилар. Ёш келинчаклар чақалоқни чойшабга ўраб, дарахт соясига, арқон беланчакка солиб, ўзлари эрлари ўрнига ғўзани кетмон чопиқ қиларди. Улар чеккан изтироблар, ғам-андуҳлар ҳақида эшитгансиз. Воажаб, мана шундай оғир дамларда ҳам инсонлар меҳр-оқибатни унутишмаган экан! Оналар бир бурда нон топса, ўзлари емай, болаларига тутқазар эди.

Уйда буғдой тугул, арпа ёки жўхори ҳам йўқ эди, шекилли, бир куни мактабга оч-наҳор кетдим. Очликдан силлам қуриса-да, сабоқларга киришдим. Бир маҳал синфхонамизга онам кириб келдилар... Қўлида бир бурдагина нон! Муштипарим, қаердандир топиб, менга едираман, деб икки чақирим йўл босиб келибди.

Яхши ҳам она табиат инъомлари — туршак, шафтоли қоқи, ёнғоқ, қовоқ, қанд лавлаги, арпа, жўхори бор экан. Одамлар шу бебаҳо неъматлар билан кун кечирди. Бугун невараларимга ёнғоқлар биз учун валюта ўрнида ўтарди, десам кулишади. Ваҳоланки, 10-15 та ёнғоққа битта дафтар алмаштириб ўқиганларимиз рост.

Мактабда охирги дарс тугагач, болаларга бир бўлак нон устига бир чой қошиқ шакар ёки мураббо суртиб беришарди. Оч қолмаслик учун. Баъзи болалар шу ноннинг ярмини еб, қолганини онасига олиб кетарди! Ҳаёт синоатлари уларни сабрга, қаноатга ўргатган.

Бу йил мамлакатимиз мустақил бўлганига чорак аср тўлади. Бугун Ўзбекистон жаҳонда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеига эга. Дунёнинг турли жойларида тўс-тўполон, уруш-жанжал, келишмовчиликлар юз бераётир. Мен ҳайрон қоламан: наҳотки, инсоният бошидан иккита жаҳон урушини ўтказиб ҳам хулоса чиқармаган бўлса! Қўлига сумка, дафтар-китоб, коптоk тутиш ўрнига қурол ушлаётган гўдакларнинг эртасини ким ўйлайди, ахир! Ўзларича дунёда адолат ўрнатаман, дея, аслида қилаётган ишлари жоҳилона жиноятдан бошқа нарса бўлмаётган кимсаларнинг ота-онаси, жигарлари, фарзандлари йўқми?

Тарихда юз берган машъум урушлар ва бугун сизу бизга ўхшаган оддий одамлар бошига тушган кўргиликлар бизни ҳамиша огоҳликка чорлаши керак. Токи юртимиздаги барқарор *(Аллоҳга беҳисоб шукр!)* тинчлик-осойишталик, фаровон турмушимизнинг қадрини унутиб қўймайлик.

**Анвар ТОЖИЕВ**

---

## Бир ҳовуч дур

**ҚАДР ҲАҚИДА**

***Бошни фидо айла***
***ато қошиға,***
***Жисмни қил садқа***
***ано бошиға.***
***Тун-кунингға айлагали***
***нур фош,***
***Бирисин ой англа,***
***бирисин қуёш.***

Алишер Навоий

***Уч нарса дўстингга бўлган муҳаббатингни унинг юрагига янада яқин қилади: ундан олдин салом беришинг, ўзи яхши кўрган исми ёки лақаби билан чақиришинг, йиғилишларда унга атаб жой олиб қўйишинг.***

Умар ибн Хаттоб

***Дўстлар, яхшиларни***
***авайлаб сақланг!***
***"Салом" деган сўзнинг***
***салмоғин оқланг.***
***Ўлганда юз соат йиғлаб***
***тургандан,***
***Уни тиригида бир***
***бора йўқланг!***

Мақсуд Шайхзода

***Бировдан вафо кўрсанг ҳайратланма, бу сенинг кимгадир қилган вафо, яхшилигинг мукофотидир.***

Хусрав Деҳлавий

***Ким яхшилик қиламан деб ҳаддан зиёд узоқ муҳокама қилса, яхшилик қилишга вақти қолмайди.***

Робиндранат Тагор

# Гўзаллик ҳикмати

**» Тилсим**

Кулолчилик бир неча минг йиллик тарихга эга қадимий санъат турларидан биридир. Бу ҳунарни қўли гул усталар санъат даражасига кўтарган.

Ҳунармандчиликнинг ажойиб жиҳати бор. У “суяк суради”. Яъни аждоддан-авлодга ўтиб яшайди, йиллар, асрлар давомида сайқалланиб бораверади. Бугун ота-боболарининг изидан бориб, уларнинг шарафли йўлларини давом эттираётган юртдошларимиз кўп. Кулолчилик ҳам ана шундай фидойи, аждодлар йўлига содиқ авлодлар қўлида ўзгача сайқал топиб, ривожланиб келмоқда. Авваллари уста кулоллар томонидан асосан, фақат уй-рўзғор буюмлари ясалган бўлса, эндиликда усталар антиқа, янада чиройли санъат асарларини яратишмоқда. Уларни кўриб, оддий тупроқдан (лойдан) шундай бежирим буюмлар ясалишига, яхши маънода, ишонгинг келмайди — ҳайратланасан, киши. Бундай мўъжизанинг ижодкори бўлмиш кулолнинг қалби гўзалликка лиммо-лим эканига амин бўласан.

Ўзбекистон санъат арбоби, Бадиий академия аъзоси, риштонлик Алишер Назиров ва умуман, Назировлар сулоласини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Чунки сулола Риштон кулолчилик санъати ривожига катта ҳисса қўшиши баробарида халқаро кўргазмаларда муносиб иштирок этиб келаётир. Мана неча йилдирки, сулола вакиллари томонидан ясалган буюмлар АҚШ, Россия, Франция, Англия каби мамлакатлар музейларида намойиш этилиб, хорижлик санъат мухлислари кўнглидан жой олган.





Бугунги кунда Алишер Назировнинг ишини фарзандлари, шунингдек, юзлаб шогирдлари давом эттирмоқда. Шулардан бири Бунёдбек Юнусовдир. У ёш бўлишига қарамай, ўз иқтидорини намоён этиб, бир қанча кўргазмалар иштирокчисига айланди.

— Кулол бўлишни болаликдан орзу қилардим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Шунинг учун Алишер акага шогирд тушиб, бу ҳунар сирларини мукаммал эгаллашга интилдим. Устоздан ўрганганларим асосида қўлимдан келганча турли буюмлар ясаб, безак бераман. Киши гўзалликка қанча интилса, санъат асари ҳам шунга яраша бўларкан. Бунинг учун тинимсиз меҳнат ва изланиш, матонат талаб этилар экан.

Кулол билан суҳбатлашиш асносида Риштон кулолчилигининг ўзига хос жиҳатларини англагандай бўлдик. Масалан, бу мактаб вакиллари қизил тупроқдан, ишқор технологиясидан кўпроқ фойдаланишади. Қирқбўғим ўсимлигидан ялтироқ сир тайёрлаб, суртишади. Бу жараёнда ўсимликни куйдириб кули олинади ва сопол устига лакнинг ўрнида фойдаланилади. Унинг аҳамияти шундаки, қалайили ишқордан фойдаланиб ясалган буюм мустаҳкам бўлади. Риштон кулолчилигининг яна бир ўзига хослиги нақшларда акс этади. Яъни мазкур кулолчилик буюмларига ишланган нақшлар шунчаки гўзал, мафтункор бўлиб қолмасдан, ўша гўзалликда турфа маънолар ҳам яширин бўлади. Жумладан, уста кулоллар анорни оила, баликни поклик, оққушни эркинлик, дарахтни ҳаёт рамзи сифатида тасвирлайдилар. Бодом гули ва қалампирни нақш этиш билан, кўз тегмасин деган яхши ниятни ифодалашади.

Устахонани айланиб, ўзимиз учун кўп нарсаларни кашф этдик. Турли шаклдаги кўзалар, лаганлар, уй-рўзғор буюмлари, декоратив асарлар ва уларга ишланган портретларни кўриб эстетик завқ олдик. Уларни Бунёдбек каби ёш усталар ясагани бизни янада қувонтирди.

**Мунира РАМАЗОНОВА**

**» Спорт**

Тошкентда навбатдаги йирик мусобақа — оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган турнирда қитъа спортчилари “Рио–2016” олимпиада ўйинлари лицензияси учун беллашдилар.

# РИОГА ЯНА БИТТА «ЧИПТА» НАҚД!

Чемпионатда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Мазкур чемпионатда Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси олимпиада йўлланмалари учун курашгани йўқ. Чунки жамоамиз шу кунга қадар бешта йўлланмани қўлга киритган эди. Халқаро талабларга кўра оғир атлетика бўйича эркаклар жамоасига бешта йўлланма берилади. Шундай бўлса-да, спортчиларимиз чемпионатда юқори натижаларни қайд этишди. Айниқса, ушбу спорт турида мамлакатимизнинг биринчи рақамли атлети саналган Руслан Нуриддиновнинг иштироки мухлисларни анча қувонтирди. Руслан даст кўтаришда Осиё чемпионлигини тантана қилди. Р.Нуриддинов иштиркок этган 105 килограамм вазн тоифасидаги атлетлар мусобақасида қитъамизнинг энг етакчи 11 полвони куч синашди. Ўзбекистондан эса ушбу вазнда яна бир вакилимиз Рустам Жангабоев ҳам имкониятларини синаб кўрди. Шунингдек, Хитой Тайпейи, Туркманистон, Сурия, Эрон атлетлари медаллар учун даъвогарлик қилишди.

Рустам Жангабоев даст кўтаришда 184 килограмм оғирликдаги тошни ўзига бўйсундириб, бешинчи, силтаб кўтаришда эса 232 клограмм натижани қайд этди. Афсуски, бу кўрсаткич юртдошимизга совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашига камлик қилди. Руслан Нуриддинов эса даст кўтаришда 183, 188 ва 191 килограмм оғирликдаги тошни кўтариб, ушбу йўналишда олтин медаль билан тақдирланди. Силтаб кўтаришда эса у 235 килограмм тошни кўтариб тўртинчи ўрин билан чекланди. Бу вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш Туркманистон, Эрон ва Хитой Тайпейи вакиллари ўртасида кечди. Хитой Тайпейи полвони Ши Чие Чен иккикураш якунига кўра 1-ўринни эгаллади. У жами 432 клограмм оғирликни бўйсундирган.

105 килограммгача оғирликдаги атлетлар баҳсида вакилларимиздан Иван Ефремов ва Сардорбек Дўстмуродов мухлислар кутган натижани кўрсатишди. 23 ёшли Сардорбек Дўстмуродов даст кўтариш баҳсларини 165 килограмм буюртма билан бошлади. Аммо биринчи уриниш зое кетди. Иккинчи бор 168 килограмм учун супачага чиқди. Бу гал ҳам оғирликни ўзига бўйсундира олгани йўқ. Охирги уринишда эса мураббийлари тош оғирлиги 168 килограмм қилиб белгилашди. Бу вазифа таваккал бўлса-да, спортчимиз оғирликни кўтариб, мухлислар қаршисида ўзини оқлади. Якунда Сардорбек 6-ўриндан жой олди. Даст кўтаришда асосий баҳс ироқлик Салвон Абуд ва Иван Ефремов ўртасида кечди. Иван биринчи чиқишида 180 килограммни хотиржам кўтарди. Кейинги сафар эса 183 килограммни кўтара олмади. Учинчи уринишда бу вазн ҳам бўйсундирилди. Бу натижа Ефремовнинг даст кўтариш йўналишида олтин медални тақиши учун етарли бўлди.

Силтаб кўтариш баҳслари ҳам анча қизиқарли кечди. Иван бу сафар ҳам мураббийлари ишончини оқлади, у барча буюртмаларни муваффақиятли амалга оширган эди. Дастлаб 203 ва 211 килограмм тошларни кўтаргач, охирги уринишда 215 килограммни ҳам ҳавода муаллақ тута олди. Мусобақа ҳакамлари дастлаб, унинг уринишини инобатга олишди, аммо вазият қайта кўрилиб, қарор рад этилди. Якунда вакилимиз 211 килограмм натижа билан 3-ўринда қолди. Икки кураш натижасига кўра, 394 килограмм билан Иван Ефремов Осиё чемпионатининг кумуш медали билан тақдирланди. Силтаб кўтаришда олтин медаль учун кураш эронлик Барорий ва ҳамюртимиз Сардорбек Дўстмуродов ўртасида кечди. Эронлик спортчи уч уринишда — 210, 217 ва 221 килограмм буюртмаларни бажарди. Сардорбек биринчи уринишда 218 кг тошни ўзига бўйсундирди. Иккинчи ва учинчи чиқишда эса у 222 килограмм оғирликдаги тошни кўтара олмади ва кумуш медаль билан чекланди. Икки кураш натижасига кўра Сардорбек 386 клограмм натижа кўрсатиб шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Муҳаммадризо Барорий эса 1-ўринга кўтарилиб олди ва икки курашда ҳам олтин медаль унга насиб этди.

Осиё чемпионатида аёллар жамоамиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Қизларимиз тўпланган очколар бўйича Вьетнамдан кейин 2-ўринни эгалладилар. Бу натижа аёллар жамоамизга битта “Рио–2016” йўлланмасини тақдим этди. Эслатиб ўтамиз, оғир атлетикада олимпиада йўлланмалари битта спортчига берилмайди. Лицензиялар жамоаларга берилади. Олимпиадага қайси спортчилар боришини федерация уларнинг тайёргарлигига қараб эълон қилади.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

# МЕНГА АТАЛГАН БАШОРАТЛАР

Илгари сабоқдош йигит-қизлар мунажжим башоратини ўқиб, айримлари унга ишониб ҳаётидаги турли воқеа-ҳодисаларни изоҳлашса бир кулгим, бир ғашим келарди. Қаёқдаги чўпчакларга ишонишади-я, ёзаверади-да оғзига келганини, деб. Лекин, кейинги пайтларда ана шу башоратлар менга ҳам чиппа-чиндай туюладиган бўлиб қолди.

Стипендия олганимиз муносабати билан тўрт улфат жам бўлиб “қиттай-қиттай” қилган эдик. Сал ошиб кетибди, шекилли. Бошим қаттиқ оғриб, кўзим юмилиб кетяпти. Лекин қаттиққўл устознинг дарси. Ўтган сафар топшириқни бажармаганим учун огоҳлантирган. Бугун дарсдан ҳайдаб чиқариши аниқ. Бироқ дарс бошланишига қўнғироқ чалинса ҳам устоздан дарак бўлмади. Сардоримиз ўқитувчилар хонасига бориб, билиб келди. Устоз келолмас экан, велосипеддан йиқилиб оёғи лат еган эмиш. Беихтиёр “хайрият” деб юбордим. Юракни ҳовучлаб ўтирган одам бирдан енгил тортдим. Кечаги газетадаги башоратда “омад сиз томонда” дегани тўғри бўлиб чиқди.

“Сизни ишқий саргузаштлар кутмоқда. Сатурн сайёраси сизга қулай имкониятларни ваъда қиляпти. Омадни қўлдан берманг”. Бундан уч-тўрт кун илгари газетанинг сўнгги саҳифасида эътибор бериб-бермай шунчаки ўқигандим бу гапларни. Бироқ улар бутун фикру ёдимни эгаллаб олди. Ҳатто дарсда ўтирганимда ҳам, ижара хонадонимга тиқилинч автобусда кетиб бораётганимда ҳам, бошим ёстиққа текканида ҳам шу ўй, шу саволлар мени тарк этмайди: “Ана шу саргузаштларнинг қаҳрамони ким бўлади?.. Қани ўша “қулай имкониятлар?”.. “Омадни қўлдан бермаслик” учун нима қилишим керак?!

Вилоят кутубхонаси олдида ўн-ўн беш кун илгари дискотекада танишиб қолган қиз билан тасодифан учрашиб қолдик. У бир дугонасини кутиб турган экан. Қорамағизгина, чарос кўзлари, пиликдек қошлари ўзига ярашиб турган сарвқомат қиз билан жиндай суҳбатлашиб турдик.

— Ўша куни ҳар жума вилоят кутубхонасига бораман, деган эдингиз. Интизомли йигит экансиз. Сизга жудаям ҳавасим келяпти, — деб қошини учириб кулди қиз. Жилмайганда тилла тишлари хиёл кўриниб чиройи яна ҳам очилиб кетди. Ой деса ойдек, кун деса кундек ана шу ҳурлиқонинг ним табассуми юрагимни жиз эткизди-ю, ҳаловатим йўқолди.



**Шакарханда**

Кутубхона ёпилиб қолмай қўлимдаги китобларни топшириб қўйиш учун ичкарига кирдим. Шоша-пиша ишларимни битириб, янги китоб ҳам олмай ширин суҳбатни давом эттириш илинжида чиққанимда қиз жойида йўқ, атрофга сокин оқшом чўка бошлаган эди. Соддалигим курсин, бир оғиз исмини ҳам сўраб олмабман-а?

Ташвишланишимга ҳожат йўқ экан. Кейинги кунлару ойларда ҳам у қиз билан тез-тез “тасодифан” учрашиб қоладиган бўлдик. Башоратчилар ваъда қилган “бахт қуши” шумикин, деган ўйлар тинчлик бермай қўйди менга.

Шундай кунларнинг бирида “Сиз ўз идеалингиздаги қизни топдингиз. Уни қадрланг. Бахтингизни қўлдан чиқарманг” деган башоратни ўқиб қолдим. Оёғимни қўлга олиб гул бозорига чопдим. Энг катта ва чиройли гулдастани сотиб олиб унинг йўлини пойладим. Унинг ҳайратдан катта-катта очилган кўзлари, кейин гулдастани бағрига босиб мулойим жилмайганини кўз олдимга келтирганимда осмону фалакда учиб юргандек ҳис қиламан ўзимни. Айниқса, мунажжим башоратларида ўқиганларимни айтганим-да, “шунақа деб ёзишибдими-а?” деб ҳайратланиб сўрагани ва қаҳқаҳ уриб кулгани ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди.

Ҳар пайшанба эрта тонгдан матбуот дўконига чопаман. Газетани олибоқ мунажжим башоратини ўқийман. Охирги пайтларда у мени оҳанрабодек ўзига тортадиган бўлиб қолди. Худди мен учун битилгандек. Хонадошим Асқар “сен мунажжим башоратига бошқоронғи бўлгансан”, деб кулади.

Яна бир гал “Яқин кишингизнинг туғилган кунига совға олишни унутманг. Хасислик қилманг. Сизни қўли очиқ деб ўйлаяпти” деб ёзганларини ўқиб қолдим. Туғилган кунини қандай сўрашни билмай турганимда яна омадим чопди. Музқаймоқ еб ўтирган жойимизда телефони жиринглаб қолди. Сумкасидан телефонини олганда қўшилиб чиққан паспортини стол устида қолдириб, менга “узр” ишорасини қилиб нарига бориб анча гаплашди. Шу пайт билинтирмасдан паспортни олдимда туғилган кунига қарадим. Сал бўлмаса, кеч қолар эканман. Совға-саломни қуюқ қилиб кўнглим жойига тушди.

Ҳаммаси бир чиройли кетаётган эди. Бироқ нимадир сабаб бўлиб орага совуқчилик тушди. Қорасини кўрсатмай қўйди. Ўзимнинг ҳам кўнглим қолиб, таътилга чиқсак, қишлоққа бориб онам топиб қўйган қиз билан тақдиримни боғласамми, деб юрган кунларимда чиққан башорат яна тинчимни ўғирлади. “Аразлашиб юрманг. Бахтингизни бой берасиз. Боши берк кўчага кириб қолишингиз мумкин” деб ёзилганди унда. “Худо асрасин” дедим-у “йўл” қидира бошладим.

Узоқ қидиришга ҳожат бўлмади. Яна ўша мен ҳар жума куни борадиган кутубхонанинг олдида “тасодифан” учрашиб қолдик. У ҳам башоратни ўқиган шекилли, аразгиналарини унутгандай илиқ қаршилади. Менинг ҳам соғинган ташна қалбим паст-баланд эски гапларни эслаб, эслатиб ўтиришга имкон бермади. Суҳбатимиз ўз-ўзидан ўт олди. Кўнглим осмонидаги қора булутлар тарқалиб, дилим равшанлашди.

Яна бир гал учрашганимизда қиз уйидан совчиларнинг кети узилмаётгани, ота-онаси уни узатиш тараддудига тушганликлари ҳақида гапириб қолди. Бошим қотди. Ўзимча ҳар хил режалар туза бошладим. Одатланиб қолганимдек, тўғри йўлни яна башоратлардан изладим.

“Сизни деб жонини беришга тайёр инсонни учратдингиз. Унинг қадрига етинг. Севган кишингиздан меҳрингизни дариғ тутманг. Бошингизга қўнган бахт қушини учириб юборманг” деган гаплар ёзилган газетани бағримга босиб, кечасию кундузи ёнимдан қўймай юрибман. Ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман. Бу ёқда ўқишларим поёнига етгани йўқ. У ёқда онам қишлоқда қиз топиб қўйганини айтиб, таътилда бориб учрашишга чорлаб турибди. Бир томонда осмон жисмлари боши берк кўчага кириб қолиш хавфидан огоҳлантирмоқда.

Баъзида улар худди мен учун ёзилгандек туюлиб башоратчиларнинг ақлу заковати, сеҳру синоатига тан бериб юбораман. Мана бу гаплар ҳам айнан мен учун ёзилганига мутлақо шубҳа қилмадим: “Мақсадларингиз сари дадил ҳаракатда бўлинг. Акс ҳолда, бахтингизни қўлдан бериб қўясиз”.

Шундан кейин астойдил ҳаракатга тушдим. Уйдагилар аввалига бироз тихирлик қилишди. Акам, тоғам ўртага тушиб онамни ҳам кўндиришди. Ғойибона ҳомийларим бўлган юлдузлар “Сизни ёркин ва омадли кунлар кутмоқда. Орзуларингиз рўёбга чиқиб қувонасиз” дея башорат қилган ҳафтада, камтарона бўлса-да, тўйимиз бўлиб ўтди. Бировдан баланд, бировдан паст деганларидай ғимирлаб турмушнинг “муштига чидаб яшаб юрибмиз.

Энди саҳарлаб газета дўконига чопишга ҳожат қолмади. Мунажжим башоратини ҳаммадан аввал, газетада босилмай туриб ўзим ўқийман. Ҳа, дарвоқе, бир пайтлар мен орзиқиб кутган башоратларни дугонаси муҳаррирлик қилаётган газета учун... ўзимнинг қорамағиз чароскўзлигим ёзиб бериб турганини тўйдан кейин билдим.

**Ҳабиб СИДДИҚ**


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



| Филиаллар | Код | Телефон |
| --- | --- | --- |
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган



HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*

Адади: 4250 Буюртма — S-5837 1 2 3 4 5 Топшириш вақти — 20⁰⁰ Топширилди — 20⁰⁰

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.*

**Телефон:** (0-371) 244-32-68, 244-32-88
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80
**Реклама ва маркетинг бўлими:** (0-371) 244-32-91
**Самарқанд:** (0-366) 233-62-12

ISSN 2010-7528

*Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

**Манзилимиз:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор* Фахриддин Раҳимов *томонидан саҳифаланди.*
**Навбатчи:** Муҳаммадали Мамадалиев
**"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.**
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**